

1971

ЗАФАРЛИ ЙИЛЛАР

1975

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

**БЕШ
ЙИЛЛИКНИ
МУДДАТИДАН
ИЛГАРИ
БАЖАРАМИЗ**

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 253 (4459).

31 декабрь, 1971 йил, ЖУМА

Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ЙЎЛДАН

1971 йил календариди сўнгги ва рақ қолди. Эртага 1972 йил бошланади. Совет кишилари ўз ода-
ларига кўра ўтган йилдаги улкан яратувчилик ишларини якунламоқ қалар, келгуси йиллар режалари-
ни тузмоқдалар.

Биз хайрлашаётган 1971 йил бутун мамлакатимиз халқлари, сер қўёш Ўзбекистонимизнинг
пойтахт области меҳнаткашлари ҳаётида ўчмас из қолдирди, зафарли, меҳнатда, ижодда баракали йил
бўлди. Бу йил шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXIV съезди бўлиб ўтди.
Съезд мамлакат тараққиётининг яқин йилларга мўлжалланган истиқболининг аниқ программасини
ишлаб чиқди.

Партия белгиланган улкан режалар меҳнат аҳли манфаатларига жуда мос бўлиб тушди. Съезд қар-
орларидан бениҳоя илҳомланган совет кишилари янги беш йилликнинг дастлабки йилида барча соҳа-
ларда зўр ғайрат-шижоат билан унумли меҳнат қилдилар. Улар ўтган йилдаги меҳнат якунларини
сарҳисоб қилар эканлар, эртанги кунимизни, истиқболимизни зўрумид, яхши ният ва катта орзулар
билан кутиб олмақдалар.

Томчида қўёш жилва қилганидек, буни областимиз мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин. Меҳнат-
кашлар депутатлари XIII қақриқ Тошкент область Советининг яқинда бўлиб ўтган учинчи сессиясида
1971 йилда бажарилган ишларга якун ясалди, область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш
йилликка мўлжалланган давлат плани тасдиқланди. Йил якунлари, беш йиллик план топшириқлари
областимиз экономикаси ва маданияти тўхтовсиз юксалиб, меҳнаткашларнинг турмуш шароити тобо-
ра яхшиланиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Газетанинг бугунги сониди пойтахт областининг тўққизинчи беш йилликдаги истиқболи ҳақида ҳи-
қоя қилинади.



БЕКОБОД металл заводи коллективи Янги йилни меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга
киритиш билан қарши олмақда. Айниқса, металл қувончилар (чапдан) М. Едгоров, М.
Марковский, З. Раҳмонов ўртоқлар ҳар сменада 85—90 тоннадан металл эритиб, ўз
касбдошларига ўрнак кўрсатишмоқда.

Ўртоқ Д. Юсупова эса «Учқун» галантерея фирмасининг илгор тўқувчиси. Меҳнатсевар
қиз (пастда) бешйилликни тўрт йил ва ундан ҳам олдин бажариш ташаббусига қўшилган.
Унинг қулиқ кўрсаткичи одатда 130—140 процентдан кам бўлмайди.

А. Тўраев фотолари.



1971

ТОРЛОҚ ИСТИҚБОЛЛАР

1975

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЧОРВАДОР- ЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашла-
ри беш йилликнинг биринчи йилида давлатга чорвачи-
лик маҳсулотлари сотиш халқ хўжалик планини му-
ваффақиятли бажардилар.

Тайёрлов пунктлари 2180 тонна чорвачилик молла-
ри ва парранда, 68100 тонна суг, 84 миллион дона ту-
хум ва 1271 тонна жун топшириди.

Давлатга ана шу маҳсулотларни сотиш давом эт-
моқда.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 4 МИЛЛИОН СЎМЛИК ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ

Область матдубот жамияти
аҳолига маданий савдо хизма-
ти кўрсатишнинг ҳамма соҳа-
лари бўйича йиллик топшириқ-
ни муддатидан илгари бажар-
ди. Кооператорлар чакана сав-
до товаробороти планининг ба-
жарилганлиги ҳақида 27 дека-
брда рапорт беришган бўлса,
унумли оқсатилган тараққола-
ри шундан бир қуи илгари
планин бажаришга муваффақ
бўлди.

Область кооператорлари йил
охирингача аҳолига қўшимча
тўрт миллион сўмлик халқ ис-
теъмолди товарлари етказиб бе-
риш учун бутун имкониятла-
рини ишга солиб, меҳнат қи-
лишмоқда.

Кооператорлар картошка,
сабзавот, узум, тухум, жун ва
қишлоқ хўжалигининг бошқа
маҳсулотларини тайёрлаш
бўйича давлат топшириқлари-
ни ҳам ортири билан адо эти-
лар. Ватанимиз пойтахти Мос-
ква ва Ленинград, шунингдек,
бошқа марказий саноат ша-
ҳарлари аҳолисига 80 минг
тонна сабзавот ва 48 минг
тонна полиз маҳсуло-
лари етказиб бериб,
уларни хушнуд этишди.

ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ ЎСИШИ
(процент ҳисобида)



БИРДАМЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК

▲ ОҚЎРҒОН

Район партия активининг
йигилиши КПСС Марказий
Комитети ноябрь Пленуми
якунларига бағишланди. Унда
Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети Бюросининг
аъзоси, Тошкент область пар-
тия комитетининг биринчи се-
кретари М. М. Мусахонев док-
лад қилди.

▲ ОЛМАЛИҚ

30 декабрда бўлиб ўтган ша-
ҳар партия активининг йиги-
лишида Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитети Бю-
росининг аъзоси, Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети қи-
сқиди давлат хавфсизлик ко-
митетининг раиси А. Д. Вес-
частнов КПСС Марказий Ко-
митети ноябрь Пленуми яку-
лари ҳақида доклад қилди.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

СССР МАРКАЗИЙ
СТАТИСТИКА
БОШҚАРМАСИНИНГ
АХБОРОТИ

Газ саноати ходимлари газ
қазиб олиш йиллик планини
бажардилар.

1970 йилга нисбатан газ
қазиб олиш 14 миллиард куб
метр миқдорда кўпаяди.

Бинокорлик материаллари
саноати ходимлари цемент,

▲ ЯНГИБОЗОР

Бу ерда бўлиб ўтган Юқори
Чирчиқ район партия активи-
нинг йигилишида Тошкент об-
ласть партия комитетининг ик-
кинчи секретари В. М. Исто-
мин КПСС Марказий Комите-
ти ноябрь Пленуми якулари
ҳақида доклад қилди.

Областимиз шаҳар ва район-
ларида бўлиб ўтган партия ак-
тивни йиғилишлари қатнаши-
члари КПСС Марказий Комите-
ти ноябрь Пленумининг мамла-
катимизни янада қудратли қи-
лишга, дунёда мустақкам тинч-
ликни барқарор этишга қара-
тилган қарорларини қизғин
маъқулладилар.

Газ саноати ходимлари газ
қазиб олиш йиллик планини
бажардилар.

1970 йилга нисбатан газ
қазиб олиш 14 миллиард куб
метр миқдорда кўпаяди.

Бинокорлик материаллари
саноати ходимлари цемент,

СУРИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Сурия маданиятининг СССР
даги кунлари Ўзбекистоннинг
шаҳар ва қишлоқларида са-
лам ўн кун давом этди. Бу
кунлар Сурия-Совет дўстлиги-
нинг чинакам байрами бўлиб
қолди.

Бу байрам асосан Тошкент-
даги кунлари Ўзбекистоннинг
Марийлон — Фарғона — Анди-
жон маршрутлари бўйлаб ўтди.
Тантаналарда қатнашиш учун
келган Сурия делегацияси ана
шу маршрут бўйлаб сафар
қилди. Ниҳоят СССРдаги Су-
рия маданияти кунларининг
воқеалари яна Тошкентда да-
вом эттирилди.

30 декабрь эрталаб матбуот,
телевидение, радио вакиллари
Сурия делегациясининг аъзо-
лари билан учрашдилар.

Кечқурун байрам эмблема-
си — Сурия, СССР ва Ўзбе-
кистон ССРнинг давлат бай-
роқлари тасвирланган доира
Тошкентдаги Ҳамза номли
драма театри биносини беади.

Бу ерда СССРдаги Сурия ма-
данияти кунларининг Ўзбеки-
стонда тавом бўлишига бағиш-
ланган тантанали йиғилиш бў-
либ ўтди.

Йиғилишни чет мамлакатлар
билан дўстлик ва маданий ало-
қа қилувчи Ўзбекистон жам-
ияти президиумининг раиси
Қ. С. Шукурова очди.

Ўзбекистон ССР Министр-
лар Совети раисининг ўринбо-
сари, ташқи ишлар министри
М. Турсунов нутқ сўзлади. У
меҳмонларни байрамнинг му-
ваффақиятли ўтказилганлиги
билан табриқлаб, қардош мам-
лакат билан бўлган бу учрашув
совет—араб дўстлигини ри-
вожлантириш ва мустақкам-
лаш учун катта аҳамиятга эга
эканлигини таъкидлади.

М. Турсунов Ўзбекистоннинг
барча меҳнаткашлари номидан
дўст Сурия халқига бахт-сао-
дат, раҳнақ ва янги турмуш
қурулишининг ҳамма соҳаларида,
агрессорларга қарши курашда
муваффақиятлар тилади.

ИЛЬИЧ НУРЛАРИ

Ваъда вафоси билан гўзал,
дейди халқимиз. Ҳақиқатан
ҳам элюрт олдиди зимманга
юксак мажбурият олиб, уни
муваффақиятли бажарганга не-
етсин. Буни яхши ту-
шунган Ангрен давлат район
электр станцияси ишчи-хиз-
матчилари йил бошида юксак

мажбуриятлар олишди. Ҳамма
куч ва ғайрат, бутун ижодий
излашни, резерв ва имконият-
лар беришдан шу марралар-
ни барвақт эгаллашга сафар-
бар этилди.

Шунинг учун ҳам нурчилар
хўжалик йилини ишлаб чиқа-
ришнинг барча асосий кўрсат-
кичлари бўйича муваффақият-

ли якунламоқдалар. Электр
энергияси ҳосил қилиш йиллик
планин барвақт адо этилди.
Халқ хўжалиги ва аҳоли эҳ-
тиёжлари учун юзлаб миллион
киловатт соат ҳаётбахш нур
етказиб берилди. Шу кунлар-
да келгуси йил ҳисобига иш-
лаётган нурчилар меҳнат
унумдорлигини оширини, ҳар
бир киловатт-соат электр қув-
вати таннарихини камайтириш
борасида ҳам қувончли нати-
жаларга эришдилар. Энерге-

тикларнинг иш унуми план-
дагига нисбатан деярли беш
процент ортиди. Турли сарф-
харажатларни камайтириш ҳи-
собига юзларча минг сўмлаб
давлат маблагини тежаб қолти-
ди. Бу катта меҳнат муваффа-
қиятида барча ишчилар коллек-
тивларининг муносиб ҳиссала-
ри бор. Улар бир оила аъзо-
ларидак ҳамкор бўлиб ишла-
ганликлари туфайли ҳам нур-
хона республикамизнинг ил-
гор электр станциялари сафи-
да бормоқда.

САМАРАЛИ МЕХНАТ

ҳам бўшаптирмай меҳнат қи-
лаверди. Илгорларнинг иш
таърибаси кенг оммалашти-
рилди, қатор жарёнлар меҳ-
натчи вояталари зиммаси-
га юклатилди. Меҳнатни пу-
хта ташкил этишга катта эъти-
бор берилди. Шунинг учун

ҳам ишчилар зафар кетидан
зафар қучавердилар. Шу қи-
тача 3 минг 600 тоннадан кўп-
роқ жун қайта ишланди ва
буюртмачиларга етказиб бе-
рилди. Бу йиллик планда бел-
тилганга қараганда деярли
600 тонна кўндир.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ
(процент ҳисобида)



РАНГЛИ КЕРАМИКА ПЛИТАЛАРИ

Ангрендаги йирик панелли уй қурилиш комбинати янги йил арафасида маҳсулот бера бошлади. Комбинат қурилишнинг «Ўзбекшахтострой» трести қурувчилари ва монтажчилари бўлиб этишди.

Бу корхона ишлаб чиқараётган рангли керамика плиталари мўлғай орнаментлар билан безатилган бўлиб, уйларга сайқал беришда фойдаланилади.

Комбинат йилга 92 минг квадрат метр керамик плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга.

ҚУШАЛОҚ БАЙРАМ

Оҳангарон цемент комбинати кун кеча ўзининг ўн йиллигини байрам қилди. Худди шу кун корхона ишчилари тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили пиланин шараф билан бажарганликларига ҳақида рапорт беришди. Қушалоқ байрам катта тантана билан ўтди. Цементчилар пиландан ташқари 600 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди.

КООПЕРАТОРЛАР ЮТУҒИ

Область савдо ходимлари партиянинг XXIV съезди қарорларини бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида катта муваффақиятга эришди.

Область давлат ва кооператив йўли билан савдо қилиш пилани мўддатидан олдин 29 декабрда бажарилиди.

Область савдо ходимлари ўз имкониятлари ва ички резервларини ҳисоблаб чиқиб ана пиландан ташқари 4,5 миллион сўмлик товар сотиш мажбуриятини олди.



Янгийўл кондитер-ачитқи бирлашмасида вақтдан ўзб мухлат қилаётган азаматлар беҳисоб. Суратда: смена бошлиғи Л. Ризикова ишлаб чиқариш илгорлари, ҳамда А. Жиксикова билан суҳбатлашмоқда. Қ. Розиков фотоси. (ЎЗТАГ)

Қўшимча 20 минг тонна аммофос

Олмалик химия заводи шаҳарда энг ёш корхоналардан бири ҳисобланади. Кимёгарлар тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилини катта меҳнат зафарлари билан якунламоқдалар. Мана ўн кундирки, ишчилар пахтакорларга пиландан ташқари минерал ўғит жўнатмоқдалар.

Завод коллективи беш йил

ликнинг дастлабки йилида пиландан ташқари 5 минг тонна азот-фосфор ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Мажбурият ошириб адо этилди.

Ўзлар социалистик мусобақада аммофос ва экстракция деҳлари пиландамлик қилишди. В. Гаджиева, Т. Стойкова, С. Латипова, В. Пушко ва

бошқа ҳамкасбларига ўртак бўлишмоқда.

Корхонада социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги ва ҳар бир ишчининг ўз вазифасига сиздиқидан ёндошганлиги туфайли мажбурият ҳам мўддатидан илгари адо этилди.

Завод беш йилликнинг дастлабки йилини 20 минг тонна қўшимча аммофос ишлаб чиқариш билан узатиб қолмоқда.

БАҲОДИРОНА ОДИМЛАР

САНОАТ

Тўққизинчи беш йилликда пойтахт областидаги саноати жадал суръатлар билан тараққий этди. Бундан аввалги беш йилликлар мобайнида бўлган каби оғир соҳанинг асосий тармоқлари — қора ва рангли металлургия, машинасозлик, электрэнергетика, қончилик химия саноати тўхтовсиз ривожлантирилди.

Область ҳалқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик давлат пиланида янги корхоналарни янги тушириш, мавжуд корхоналарни эса реконструкция қилиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қилини кўпайтириш, сифатини яхшилаш назарда тутилган.

Чорвоқ ГЭСининг қурилиши тугалланган. Натикада у лойиҳада қўрсатилган қувватга эга бўлиди ва 600 минг киловатт қувватга етказилади.

Ўзбекистон металлургия заводидаги реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Беш йиллик мобайнида электр бўлат эришти цехи ҳамда сирланган идиш-товоқлар цехини янги тушириш мўлжалланмоқда.

Қон саноати кенг миқёсларда ривожланади. Районларро олтин олиш фабрикаси ва Баули домини куриш, Кўчбулоқ олтин қониин эса кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Саричендаги очинг мис қони, оқсидланган рудаларни қайта ишлайдиган янги бойишти фабрикаси фойдаланишга топширилади. мис бойишти фабрикаси реконструкция қилинади, мис заводи кенгайтирилади. Ана шулар ҳисобига Олмалик қон—металлургия комбинатиинг қуввати анча ошади.

Ўзбекистон қилин эрийдиган ва иссиққа чидамал металл комбинати анча кенгайди. Бу корхонада янги ишлаб чиқариш қувватлари янги туширилади.

Тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик

машиналари, кучланишди трансформаторларни ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди. Шу мақсадда «Чирчикмаш» ва Чирчик трансформатор заводларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишлари тугалланди.

Партиянинг XXIV съездининг янги беш йиллик пилан юзасидан ўзлон қилган Директиваларида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг анча кўпайтириш назарда тутилган. Шунга мувофиқ тароҳа ҳозир ишлаб турган химия корхоналари қуввати оширилди. Олмалик аммофос заводининг иккинчи навбатини қуриш мўлжалланмоқда. Чирчик электрхимия комбинатида қўшлаб аммиак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган йирик агрегат ўрнатилди, аммиакли селитра цехи янги схема бўйича реконструкция қилинади.

Пиланда ҳалқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришнинг янги йўллари белгиланган. Ана шу соҳага сарфланмаган капитал маблағлар ҳажми анча ортади. Маҳаллий саноат маҳсулотларини реализация қилиш пилани 35 миллион сўм ҳажмида ёки 1970 йилдагига нисбатан 2,6 баравар кўп миқдорда белгиланди.

Ўзғорбон химия товарлари ишлаб чиқариш янада кенсалади. Ангрен резина комбинати қурилиши авж олдириб юборилди. Олмалик ўзғорбон химия заводининг қуввати йилига 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш даражасига етказилади ва 30 дан ортиқ турдаги ҳалқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Республикада биринчи бўлиб ювувчи, тозаловчи, ялтиратувчи модалар, турли хил пластмасса буюмлари тайёрлаш ўзлаштирилади.

Олмалик шахрида қон заводи, Оржоникидзе районида консерва заводи, Паркент ва Янгийўлда вино тайёрлайдиган совхоз—заводлар, Ўртаовул гушт комбинати қурилиши янги вақтлар ичида тугалланади. Шунингден, қў

ғина озиқ-овқат корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш мўлжалланмоқда. Йўмладан, Газалкент ва Янгийўл консерва заводлари, Янгийўл кондитер фабрикасининг қуввати оширилди.

Бир қатор ихтисослаштирилган корхоналар ишга туширилди. Олмалик шахрида йилига 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариладиган электротехник ўйинчқлар заводи, Бектемир посёлкасида йилига 2,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариладиган металл буюмлар заводи, Бектемир шахрида йилига 2,9 миллион сўмлик маҳсулот берадиган кроват заводи фойдаланишга топширилади. Ангрен шахрида резина комбинати қурилиши бошлаб юборилди.

Янги беш йиллик режалари, пилан қўрсаткичлари анқ ҳисоб-ниҳоблар асосида белгиланган реал режалар, қўрсаткичлардир. Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида пойтахт области саноат корхоналарининг ҳодимлари эришяётган меҳнат зафарлари бунинг аниқ қўрсатиб турибди. 1971 йил пилани мўддатидан анча илгари—23 декабрда адо этилди. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида пиланга қўшимча 37,3 миллион сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Йўмладан, пиландан ташқари 158 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди, 6 минг тонна пўлат эритилди, 188 минг тонна қўмир, 1602 тонна минерал ўғит, 44 минг тоннадан ортиқ цемент, 4700 тонна пахта толаси, 68 минг жуфт чарм пойабзал, 5849 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди.

Ҳалқ хўжалик пилан топшириқларини муваффақиятли бажаришда корхоналарини бирин-кетин планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилаётганлиги катта ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда областдаги 127 корхона хўжалигини юритишнинг янги усулига ўтиб йиламоқда. Бу корхоналарда маҳсулотни реализация қилиш ҳажми 29,6 процент ўси.

Янги беш йиллик режаларининг амалга оширилиши натижасида областимизнинг экономикаси янада юксалади. Демак, ҳалқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси бундан ҳам яхшиланади.

МАЪМУРЧИЛИК

Й Ў Л И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Азамат пахтакорларимиз, айниқса, қувончли зафар кўчдилар. Пахтакорларимизнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатлари яхши самара берди. Областимиз даладаридан бу йил она-Ватанга 388 минг 635 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу — пиланда кўзда тутилгандан 58635 тонна ёни утган йилдагига қараганда 8721 тонна кўпдир.

Етиштирилган ҳосилини механизмлар ердаида териб олишда олға қараб катта қадам қўйилди. Шонли меҳнаткорларимизнинг фидоқорона меҳнати туфайли етиштирилган жами ҳосилининг 230 минг тоннадан ортиқроғи машиналар билан териб олинди. Бу янги ҳосилининг 60 процентини ташкил этди. Областимизда машина терими пилани 105 процент бажарилиди.

Беш йилликнинг биринчи йилида областимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Давлатга галла топшириш пилани 111,2 процент, шу жумладан, шолн сотиш пилани 122,4 процент, наюп полси сотиш пилани 116 процент, сабзавот сотиш пилани 120 процент, ползи экинлари маҳсулоти сотиш пилани 108,4 процент ва пилла сотиш пилани 113 процент қилиб бажарилиди. Эришилган бу катта муваффақиятларнинг асосий сабаби шунданки, экинлар парварисида энг сўнгги агротехника янгилликлари, илгор тажрибалар ва илм-фан ютуқларидан имкони борича кенг фойдаланилди. Қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш даражаси бирмунча яхшиланди. Кадрлар малакаси ошди ва улар текникдан ишни кўзини билиб фойдаланишнинг яхши ўрганиб олдилар.

Ҳозирги вақтда пахта насали-вилтга қарши катта кураш олиб боришмоқда. Бу йил кўпгина хўжаликларда олимларимиз томонидан яратилган вилтга чидамлик «Тошкент» нави чигитлари экинди. Бу хўжаликлари пахтадан ююри ҳосил олдилар.

Бу йил областимизнинг ҳамма районлари давлатга пахта сотиш пиланини ошириб бажаришди. Пилани 121 процент бажарган Ойқўрғон ва Бўна, пилани 124 процент бажарган Пискент, пилани 120 процент бажарган Ююри Чирчик ва бошқа районларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари областимизда пахта тайёрлаш йиланг узларининг муваффақиятли бажарилишига эъланининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш йиллик пиланини ҳам ортигн билан адо этилди. Шунинг натижасида билан айтиш керакики, бу йил чорвачиликда аҳвол бирмунча яхшиланди. Чорва моллари ва паррандаларнинг сонн ошди, уларнинг маҳсулдорлиги кўпайди. Утган йилнинг шу мўддатиданга нисбатан ҳар бир беш ситгидан сонн олнган сут 212 килограмм, ҳар бир товуздан олнган туҳум

7 донга кўпайди. Гуштга топширилаётган молларнинг тирик вазни ортди.

Чорвачиликни ривожлантиришда озуқа базаси муҳим роль ўйнайди. Ем-хашак экинлари экинладиган майдонларнинг кенгайтирилиши, аралаш экинлар экиннинг кенг жорий этилиши, ем-хашак тайёрлаш технологиясининг яхшиланиши бу йилги мавсумда 19,9 минг тонна дағал хашак, 20 минг тонна силос, 578 тонна витаминли ун ва 51,7 минг тонна нўк сенаж тайёрлаш имкониин берди.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд сугориладиган ерларни капитал пилановка қилиш ва йилловларга сув чиқариш пиланири бажарилиди. 3440 гектар сугориладиган ер қишлоқ хўжалик оборотиға киритилди, 8185 гектар ерининг мелiorатива ҳолати яхшиланди. 4560 гектар майдон капитал пилановка қилинди.

Янги тўққизинчи беш йиллик областимиз қишлоқ хўжалиги олдига порлоқ истиқболлар очиб беради. Деҳқонларимиз давлатдан қўшлаб қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғит ва турли химикатлар оладилар.

Ерларнинг мелiorатива ҳолатини яхшилаш борасида катта ишлар амалга оширилади. Янги каналлар қазилади, эскилари эса қайта реконструкция қилинади. Катта қўриқ ер массивларига сув чиқарилади, янги-янги ер майдонлари қишлоқ хўжалик оборотиға киритилади.

Қишлоқ ва совхозларнинг тадбирлари асосида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган пиланида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг санкизиинчи беш йилликдагига нисбатан анча кўпайтириш кўзда тутилди. Жумладан, пиландан ташқари етиштирилаётган маҳсулотларини ҳам бирга қўшиб ҳисоблаганда 1975 йилга бориб пахта етиштириш 1970 йилга нисбатан 109,5 процентга, шолн етиштириш 131,6—процентга, сабзавот етиштириш 125,3—процентга, нартошн етиштириш 124,4 процентга, ползи экинлари маҳсулотлари етиштириш 125,6—процентга, мева етиштириш 283,6—процентга, узум етиштириш 209—процентга, наюп полси етиштириш 110,3—процентга, тушт етиштириш 121,4—процентга, сут етиштириш 136,7—процентга, пилла етиштириш 107,4—процентга, жун етиштириш 123,1—процентга ва туҳум етиштириш 252,5—процент кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалигини бундан бўён янада юксалтириш, биринчи навбатда, унинг моддий-техника базасини мустақамлашга, ирригация ва мелiorацияни ривожлантиришга, механизациялаштириш, химиялаштиришга, серхосил нрларни яратиш, чорва молларининг маҳсулдор зотларини кўпайтириш ва прогрессива технологияни кенг қўлланнш асосида пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармонлари маданиятини оширишга асосланади.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Республикамиз пойтахтнинг ҳамма район саноат корхоналари коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, меҳнатда катта-катта зафарларни қўлга киритмоқдалар. Улар социалистик мусобақани авж олдириш, прогрессив технология ва илгор иш усулларини кенг қўлланнш туфайли давлат пиланини муваффақиятли адо этишди. Азаматлар тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилини ҳам яхши қўрсаткичлар билан

якунлашди. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш йиллик пилани мўддатидан анча илгари адо этилди. Шу вақтгача қўшимча ишлаб чиқарилаган маҳсулот 20 миллион сўм атрофида бўлди.

Бу билан йил бошида зиммат олнган социалистик мажбурият ортиги билан бажарилиди. Саноатчилар эришган бу ютуқларда 2-ўн қолбнати, «Ташеельмаш» заводи, туруч комбинати ва бошқа корхоналар ишчи-хизматчилари салмоқли ҳисса қўшдилар.



КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙИ

Бутун мамлакатимизда бўлган сингари областимизнинг қайси шаҳри ёки қишлоғига борманг, паст-баланд ҳавозаларини, кўкка буй чўзган қанчаларини урчатадиз. Бу — даврийнинг рамзи. Ҳамма жойда уларни қурилиш ишлари жадал. Ҳалқимизнинг тинч, яратувчилик ва бунёдкорлик меҳнати аяжиди.

КПССнинг XXIV съезди Директивалари меҳнаткаш ҳалқда гамхўрлик руҳи билан сугорилган. Ҳалқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтириш — унинг асосий

мазмунидир. Рективаларда мамлакат бўйлаб капитал қурилиш ишларини янада авж олдириб юбориш режалари чилиб берилади. Янги беш йилликда областимизда ҳам капитал қурилишга катта аҳамият берилади. Давлат томонидан ажратилган маблағларга неча ўнлаб завод ва фабрикалар, кенг кўламда турар-жой, маданий-маиший бинолар қурилади.

Областимиз ҳалқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йилликда мўлжалланган давлат пиланида айниқса уйсалтириш — унинг асосий

бор берилган. Беш йил мобайнида давлат капитал маблағлари ҳисобига шаҳар ва қишлоқларда 650,5 минг квадрат метр уй-жой биноларни қурилиб, меҳнаткашларга армутоғ этилади. Демак, областимиз шаҳар ва қишлоқлари янада ахшиллаб оладилар.

Оқтўрқон районида турар-жой биноларининг ҳажми беш йилликда 7,5 баравар, Янгийўл районида эса ўн баравар кенгайди. Булардан ташқари кўп-лаб мактаблар, болалар богчасилари, медицина муассасалари ва бошқа объектлар қад кўтарди.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида капитал қурилиш ривожлантириш соҳасида анча ишлар қилинди. Капитал маблағларини фойдаланишнинг

маблағларини фойдаланишнинг

маблағларини фойдаланишнинг

маблағларини фойдаланишнинг

1. Нуриддинов фотоси

